



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БОҒЛИҚ ИСЛОҲОТЛАР

Бобобеков Баҳодир

ИИВ Академияси магистранти, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10680029>

ARTICLE INFO

Received: 15th February 2024

Accepted: 17th February 2024

Published: 19th February 2024

KEYWORDS

йўл ҳаракати, қоидалар,
автомобиль транспорти .

ABSTRACT

Ушбу мақолада йўл ҳаракати қоидаларини тақомиллаштиришга боғлиқ ислоҳотлар ўзаро ўрганилиб, муаллиф томонидан назарий таҳлил қилинган.

Барчамизга маълумки республикамизнинг иқтисодий салоҳияти ўсиб бормоқда. Бу барча соҳалар билан бир қаторда автомобиль транспорти ва коммуникацияларини ҳам қамраб олганини кўришимиз мумкин. Албатта, бу қувонарли ҳолат, ўзгаришлар аҳолимизнинг ижтимоий ривожланиши даражасини яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда. Лекин шу билан бирга ушбу соҳада ечимини талаб қиладиган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Буларга йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишининг сезиларли даражада ортганлигини, унинг оқибатида инсонларнинг ҳаётдан кўз юмуши ёки турли даражада тан жароҳатларини олиши, автомобиль йўлларида ва шаҳар кўчаларида тирбандликларнинг юзага келиши, атроф муҳитнинг транспорт воситалари чиқарадиган газлардан ифлосланиши кабиларни келтиришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили қарийб 1,4 миллионга яқин одам йўл транспорт ҳодисалари қурбонига айланади.[1] Мамлакатимизда эса 2021 йилда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ инсон жароҳатланган, 2 минг 500 га яқин одам ҳалок бўлган, шундан 263 нафар болалар эканлиги жудаям ачинарли ҳолат.[2] 2022 йилнинг 6 оyi давомида 3 минг 559 та йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган. 2 минг 775 та инсон турли даражада тан жароҳатлари олган бўлса, 284 нафар инсон бевақт ҳаётдан кўз юмган[3]. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишини олдини олишда замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланган ҳолда ислоҳотларни амалга ошириб, ушбу долзарб муаммога ечим топишимиз лозим. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 12 апрелда 172-сон қарор қабул қилинди[4]. Шу қарор билан йўл-ҳаракати қоидаларига бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу қарор билан аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари атрофидаги йўлларда 300

метр гача бўлган масофада 30 километрдан, турар-жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 20 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади деб ўзгартирилганлиги йўл-ҳаракати иштирокчиларига янада масъулият ва мажбуриятларни юклайди. Шу орқали инсонлар айниқса, болалар ўлими билан боғлиқ транспорт ҳодисаларини олдини олиш ҳамда турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда фуқаролар хавфсизлигини янада таъминлашдир. Амалда татбиқ этилаётган ушбу ўзгариш қонунчилигимизга Корея тажрибаси ўрганилиб, кўзланган натижа ва самарани берганлиги учун киритилди [5].

Ушбу қарор қабул қилиниши зарурати шундаки инсон қадрини, унинг саломатлиги, эрки ва ҳаёти энг олий қадриятлардир. Бежизга 2022 йил Ўзбекистонда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла”, 2023 йил эса “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили деб эълон қилинган йўқ.

Фуқароларнинг турмуш тарзи яхшиланишини қуйидаги статистика орқали кўришимиз ҳам мумкин. Масалан 2022 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида ҳар 1000 нафар доимий аҳолига ўртача 87 та энгил автомобиль тўғри келаётган бўлса, Тошкент шаҳрида ҳар 1000 кишига ўртача 178 та энгил автомобиль тўғри келмоқда. Агар бу рақамларга жамоат транспорти, юк ташувчи машиналарни қўшадиган бўлсак, ушбу рақамлар бир неча мартаба юқорилашига гувоҳ бўламиз.

Транспорт воситалари оғиримизни энгил қилиш билан биргаликда, бир қатор жиддий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, 2022 йилнинг 12 ойи мобайнида Тошкент шаҳрида 1200 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган (2021 йилда - 1073 та). Пойтахт ИИББ хабарига кўра, ҳисобот даврида ЙТХ оқибатида ҳалок бўлганлар сони 136 нафарни ташкил этган, 1463 нафари тан жароҳати олган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 32,5 фоизини пиёдалар иштирокидаги бахтсиз ҳодисалар ташкил этади. Болалар иштирокида 169 та ЙТХ содир бўлган, бунинг оқибатида 56 нафар вояга етмаганлар тан жароҳати олган, 17 нафари вафот этган.

Бу ҳолатларни олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январдаги “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги ЎРҚ-900-сон Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан Йўл ҳаракати соҳасидаги асосий принциплар белгиланди. Булар қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

тизимлилик;

илмийлик;

очиқлик ва ошкоралик;

фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишининг устуворлиги;

экологик хавфсизликнинг ва атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг устуворлиги;

маҳаллий аҳоли ва йўл ҳаракати иштирокчилари фикрининг инобатга олиниши [6].

Шунингдек, қонуннинг 6-моддаси билан йўл ҳаракати соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар белгиланган бўлиб йўл ҳаракати соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Қорақалпоғистон

Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари жамоат хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари (ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари) жамоат хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари жумласига киради.

Назаримизда, ушбу ислоҳотларни амалга оширилишидан асосий мақсад қуйидагиларда ўз аксни топади:

Биринчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «**Халқ манфаатларига хизмат қилиш**» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этиш ва давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйиш;

Иккинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги органларда давлат бошқарувини амалга оширишда ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш;

Учинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилишни янада такомиллаштириш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари ва бу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. <https://proacademy.uz/uz-cyr/news/view?alias=890>. -Тошкент, 2022 й.
2. Мирзиёев.Ш,М. раислигида “Йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора[2]тадбирлари”. <https://president.uz.-Тошкент>, 2022 й.
3. <https://uza.uz/posts/391537>.
4. <https://lex.uz/docs/5953883> -Тошкент , 2022 й (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 28.09.2022)
5. Рашидов Ш., Ўралов С. Амалдаги ислоҳотларнинг йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишдаги аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 233-235.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 январдаги “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги ЎРҚ-900-сон Қонуни. (электрон манба: <https://lex.uz/docs/6764454>.)
7. Qushboqov S., Tilabov S. Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 45-47.
8. Qushboqov S., Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rnini //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.

9. Қушбоқов Ш., Ҳосилжонов М. Оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини малакалашдаги муаммолар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 29-31.
10. Шермухамедов А.А., ўғли Холдаров Ф.Э. Методика расчёта интенсивности износа и пробега шин специализированных транспортных средств //research and education. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 231-247.
11. Охунов З., Қушбоқов Ш Т. Т. С. Э. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
12. Вахобжонов Д. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳамкорлиги ташкилий-ҳуқуқий асослари //Бюллетень педагогов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 12. – С. 117-125.
13. Qushboqov S., Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
14. Вахобжонов Д. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар таҳлили //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 12 Part 2. – С. 142-150.
15. Қушбоқов Ш., Самадов М. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 95-98.
16. Вахобжонов Д. Профилактика инспекторининг шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар профилактикасида халқаро тажриба ва қонунчилик //Бюллетень студентов нового Узбекистана. – 2023. – Т. 1. – №. 12. – С. 27-35.
17. Қушбоқов Ш., Самадов М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.